“ILMIY TADQIQOTLAR, INNOVATSIYALAR, NAZARIY VA AMALIY STRATEGIYALAR TADQIQI”

mavzusidagi Respublika ko’p tarmoqli, ilmiy KONFERENSIYA



#24

2026

TAHRIRIYAT A'ZOLARI

Berdialiev A. f.f.d., prof.
Nurullaeva Sh.U. ped.f.d., prof.
Tursunov K.Sh. ped.f.d., prof.
Babadjanova D. tarix.f.d., prof.
Ernazarova G.O. ped.f.d., prof.
Abduraximova D.A. ped.f.d., prof.
Madumarov T.T. yur.f.d., prof.
Mirzayeva C.P. fil.f.d., prof.
Yuldashev M.M. fil.f.d., prof.
Xolliyev A.E. bio.f.d., prof.
Yuldashev M.M. fil.f.d., prof.
Salaeva M.S. psi.f.n., dotsent
Salayeva M.S. ped.f.d., prof.
Tojiboyeva M.A. fil.f.d., dotsent
Sabirova N.E. fil.f.d., dotsent
Norboyeva U.T. bio.f.d., dotsent
Yarmatov R.B. ped.f.d., dotsent
Egamberdiyeva N.A. tarix.f.d., dotsent
Achilov N.K. fil.f.d., dotsent
Imomova G.M. fil.f.n., dotsent
Zakirova H.R. f.f.n., dotsent
Tuhtahujaev H.B. ped.f.f.d., dotsent, TFA Akademik
Bakiyev Z.A. ped.f.n., dotsent
Razzakov H.K. tex.f.n., f.f.d., dotsent
Ortikov O.A. tex.f.f.d., dotsent
Djuraeva M.Y. f.f.f.d.
Nabikhodjaev A.A. iqt.f.n., dotsent
Otadjanova M.O. f.f.d.
Tajibaeva M.A. fil.f.d., dotsent
Hasanov A.M. fil.f.f.d
Kholmurodov A.E. fiz.m.f.d., dotsent
Aripov O.A. iqt.f.d., dotsent
Safarova U.A. fil.f.d., dotsent

Mas'ul kotib: ***M.Yusupov***

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Сапаров Мурод Иргашович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил изланувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда бугунги кундаги камбағалиликни қисқартириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, «Саховат ва кўмак», “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, қашшоқлик, уй хўжаликлари.

Аннотация. В данной статье особое внимание уделяется тому факту, что вопросы сокращения бедности в нашей стране сегодня вышли на уровень государственной политики.

Ключевые слова: бедность, «Щедрость и поддержка», «Железный блокнот», «Женский блокнот», «Молодежный блокнот», бедность, домохозяйства.

Abstract. This article pays special attention to the fact that issues of poverty reduction in our country have now reached the level of state policy.

Key words: poverty, “Generosity and Support”, “Iron Notebook”, “Women’s Notebook”, “Youth Notebook”, poverty, households.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш йўналиши 2020 йилда давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва Президентимиз томонидан муваффақиятли халқаро тажрибадан келиб чиқиб, камбағалликни қисқартиришнинг таъсирчан воситаларини амалиётга жорий этиш, уни ҳисоблашнинг мезон ва усулларини ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш каби қатор вазифалар белгилаб берилди. 2020 йилнинг 23 сентябрида Президентимиз томонидан Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Ассамблея навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказиш таклифи берилгани фикримизга яққол мисолдир1.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилишини кенгайтириш, аҳоли даромадларини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

[1] https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirishning-2030-jilgacha-strategiyasi-va-kontseptsiyasi-tajyorlanmoqda

Бунинг натижасида камбағаллик даражаси 2019 йилдаги 23 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга қисқартирилишига эришилди. 2025 йил якунида камбағалликни 6 фоизга қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Шу мақсадда республика бўйича камбағалликни қисқартириш масаласини умуммиллий ҳаракатга айлантирган ҳолда «Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият» тамойили асосида жорий йилнинг 1 ноябридан «Камбағалликдан фаровонлик сари» комплекс дастурини амалга ошириш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2025 йил учун мўлжалланган иш режасига мувофиқ ҳудудларда ўтказиладиган парламент назорати тадбирлари доирасида «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури ижроси, хусусан, 2025 йилда аҳолини камбағалликдан чиқаришнинг йўналишлар ва ҳудудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлари бажарилишини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлисларида муҳокама қилиниб, ҳудудларда барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш, тадбиркорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш, «драйвер» лойиҳаларни амалга ошириш, ер майдонларини камбағал оилаларга ижарага бериш, тадбиркорликка жалб қилиш борасида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, бевосита камбағаллик ва қашшоқлик тушунчаларига изоҳ берадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда жаҳон бўйлаб камбағаллик ёки қашшоқлик тушунчаларининг умумқабул қилинган ҳамда ягона келишилган таърифи ишлаб чиқилмаган. Ҳар бир мамлакат ўзи учун белгиланган камбағаллик мезонидан келиб чиқиб тавсифлайди.

Мамлакатимизда “Маҳаллабай” иш тизимининг ташкил этилганлиги бу аслида камбағалликни қисқартиришнинг ностандарт усулларидан бири саналади. Мамлакатимизда мазкур масалага ўзига хос тарзда ёндашилмоқда, яъни илғор хориж тажрибасини пухта ўрганган ҳолда ички ижтимоий-иқтисодий имконият ва хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ишларни амалга ошириш имконияти яратилмоқда. Жорий йилда даромад топишга қаратилган тадбиркорлик интилишларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда “Маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур тизимнинг шаффофлигини таъминлаш, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғирлашган ва сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилаларни қайд этишга мўлжалланган saxovat.argos.uz дастури ишга туширилиб, оилаларнинг меҳнатга лаёқатли ишсизлари бандлигини таъминлаш орқали уларга даромад манбаи яратишнинг “Вақтинчалик тартиби” тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасида ўтган давр мобайнида “Темир дафтар”га 594,9 минг оила ва уларнинг 2,5 миллион нафар аъзоси, шундан 659,1 минг нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз оила аъзолари киритилган.

Вақтинчалик тартиб асосида “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 654,6 минг нафар ишсиз аъзолари бандлиги таъминлаш орқали 543,3 минг оила (91 фоиз) рўйхатдан чиқарилди. Дафтарларга киритилган эҳтиёжманд аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус жамғармалар ташкил этилди. Мазкур жамғармаларда 851,9 миллиард сўм маблағ тўпланди. Унда “Темир дафтар”га киритилган оилалар учун 399,4 миллиард сўм, “Аёллар дафтари”га киритилганлар учун 223,1 миллиард сўм ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилганлар учун 229,4 миллиард сўм маблағлар жамғарилган. 3 та жамғармада 434,9 миллиард сўм маблағ жумладан, “Темир дафтар”га киритилган оилалар учун 128,3 миллиард сўм, “Аёллар дафтари”га киритилганлар учун 145,6 миллиард сўм ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилганлар учун 160 миллиард сўм маблағлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Темир дафтар”ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб тасдиқланди. Унга кўра, “Темир дафтар”га киритилганларга қуйидаги йўналишларда ёрдам кўрсатилиши белгиланган. Томорқада енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш, “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш, деҳқончилик учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ердан 0,1 гектардан 1 гектаргача ер бериш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнес лойиҳалар тузишни ўргатишда ёрдам берилади.

Ҳозирги кунда “Темир дафтар” (saxovat.argos.uz) ахборот-таҳлил тизимидаги маълумотларни автоматлаштирилган тарзда шакллантириш учун

тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизим ва маълумотлар базалари ҳамда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” билан интеграция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишдан мақсад эҳтиёжманд аҳолига кўрсатиладиган ёрдам ва хизматлар турини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш орқали мавжуд тизимни янада такомиллаштириш, аҳоли эҳтиёжманд қатламини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги усул ва механизмларини доимий такомиллаштириб бориш орқали камбағаллик даражасини янада қисқартириш механизмларини жорий этишдир. Бунинг натижасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар биринчидан, халқимиз осойишталиги; иккинчидан, камбағал қатламнинг бўлмаслиги, яъни ҳар бир оила тадбиркор шиори остида мамлакатимиз аҳолисининг фаровон ҳаётига эришишга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли Фармони асосидаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”;
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ПФ-5157-сонли Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил-даги 31-декабрдаги 824-сонли қарори;
4. https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirishning-2030-jilgacha-strategiyasi-va-kontseptsiyasi-tajyorlanmoqda
5. Бирлашган миллатлар ташкилоти Европа Иқтисодий комиссиясининг «Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма»сидан, 2017 йил Нью-Йорк, Женева

MUNDARIJA

.....2
Хусинова Ш.А. Шаҳарларда истиқомат қилувчи сурункали юрак-қон томир ва нафас олиш тизими касалликлари билан оғриган беморларнинг даволанишга риоя этишини ўрганиш (Самарқанд вилояти мисолида).....3
Ризаев Ж.А., Гадаев А.Г., Хусинова Ш.А. Қишлоқ, туман ва шаҳар аҳолиси орасида юрак-қон томир ва нафас олиш тизими касалликларига чалинганларнинг даволанишга риоя қилиши ва хавф омилларини қиёсий ўрганиш (Самарқанд вилояти мисолида).....7
Исматова М.А. Экиш омилларининг соя навлари ўсиши ва бўй ривожланишига таъсири 13
Dauletova Z.A. Zamonaviy ta’lim muhitida bo‘lajak biologiya fani o‘qituvchilarini kasbiy faoliyatga tayyorlash mezonlari 17
Usmonova D.S., Rajabova N.R. Russian language and literature in uzbekistan: traditions, innovations, and space for cultural dialogue 20
Xudoyberdiyeva R.J. Til – jamiyat va tafakkur mahsuli sifatida.....24
Bazarova Sh.Sh. Oydin Sobirova hikoyalarida ayol obrazi va davr talqini.....27
Bayonkhanova I.F. O‘zbek va koreys tillari paremiologik fondida odob-axloq konseptining lingvokulturologik va konseptual tahlili.....29
Сапаров М.И. Хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш йўллари.....34
Пардаев М.Қ., Абилов Ф.Н. Аҳоли моддий фаровонлигининг барқарорлигини таъминлаш давр талабидир.....38
Norqobilov H., Yuldashev A. Is gazidan ogoh bo‘ling.....42